

**ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ
НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14407838>

Қувватов Сирохиддин Эргашевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси

Мазкур мақолада: жиноятда иштирокчиликнинг назарий ва амалий жиҳатлари чуқур таҳлил қилинади. Жиноятда иштирокчиларнинг асосий вазифалари – бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг роли, уларнинг жиноий фаолиятдаги ўзаро алоқалари ёритилган. Жиноят қонунида иштирокчиликнинг асосий шакллари, жумладан, оддий ва мураккаб иштирокчиликнинг қонуний белгилари муҳокама қилинган. Шунингдек, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик ва унинг адолатли белгиланиши бўйича муаммолар кўриб чиқилган. Ҳар бир иштирокчининг қилмишига адекват ҳуқуқий баҳо бериш ва жиноий жавобгарликни аниқлаш масалалари тадқиқ этилган. Мақолада жиноят ҳуқуқидаги бу тушунчани такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ва янги ҳуқуқий ёндашувлар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: жиноятда иштирокчилик, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, қонунчилик, жиноий жавобгарлик, ижтимоий хавф, ҳуқуқий таҳлил, жиноий оқибат, ҳуқуқий квалификация, адолатли жазо, профилактика, роллар тақсимоти, мураккаб иштирокчилик.

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ,
СОВЕРШЕННЫЕ В СОУЧАСТИИ**

Қувватов Сирохиддин Эргашевич

Независимый исследователь Университета общественной
безопасности Республики Узбекистан

В данной статье: проводится глубокий анализ теоретических и практических аспектов участия в преступлении. Рассматриваются основные роли участников – исполнителя, организатора, подстрекателя и пособника, а также их взаимодействие в преступной деятельности. Обсуждаются основные формы участия, включая простое и сложное участие, а также их нормативно-правовые характеристики. Рассмотрены проблемы установления ответственности за

преступления, совершенные в соучастии, и справедливого назначения наказания. Особое внимание уделено правовой оценке действий каждого участника и определения уголовной ответственности. В статье предложены практические рекомендации и новые правовые подходы к совершенствованию понятия соучастия в уголовном праве.

Ключевые слова: соучастие в преступлении, исполнитель, организатор, подстрекатель, пособник, законодательство, уголовная ответственность, общественная опасность, правовой анализ, преступный результат, правовая квалификация, справедливое наказание, профилактика, распределение ролей, сложное соучастие.

THEORETICAL ASPECTS OF LIABILITY FOR CRIMES COMMITTED IN PARTICIPATION

Kuvvatov Sirojiddin Ergashevich

Independent Researcher, University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

This article provides an in-depth analysis of the theoretical and practical aspects of participation in crime. The primary roles of participants—perpetrator, organizer, instigator, and accomplice—and their interaction in criminal activities are examined. The main forms of participation, including simple and complex participation, and their legal characteristics are discussed. Issues of establishing liability for crimes committed in participation and the fair imposition of punishment are considered. Special attention is paid to the legal assessment of each participant's actions and the determination of criminal liability. The article offers practical recommendations and new legal approaches for improving the concept of participation in criminal law.

Keywords: participation in crime, perpetrator, organizer, instigator, accomplice, legislation, criminal liability, social danger, legal analysis, criminal result, legal qualification, fair punishment, prevention, role distribution, complex participation.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш ушбу жиноятларга қарши курашни ташкил этишнинг мұхим ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Зеро, жиноят учун жазо тайинлаш суд фаолиятининг энг масъулияти ва мұраккаб қисмларидан бири ҳисобланади. Ушбу масъулият иштирокчиликда содир этилган жиноятларга нисбатан жазо тайинлашда янада ошади, сабаби айнан шу вактда жиноят қонунининг одиллик принципи амалда намоён бўлади. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда мұраккаблик яна шунингдек, ҳар бир иштирокчининг жиноий фаолиятдаги ҳиссасини тўғри белгилаш ва уларга нисбатан адолатли жазо тайинлаш ва уларда қилмишига яраша жазо олиш туйғусини эришиш ҳамда шу тариқа жиноий мақсадига эришиш билан белгиланади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфилик даражаси юқори бўлиши ўз навбатида иштирокчилар шахсининг криминологик тавсифини ўрганиш асосида мазкур тоифа қилмишлар учун жазо тайинлашни, шунингдек, алоҳида ҳолларда иштирокчиликда содир этилган қилмишларни квалификация қилиш билан боғлиқ турли муаммоларга дуч келинаётганлиги ҳам тадқиқот мавзусининг бугунги кун нуқтаи-назаридан жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд-тергов амалиётидаги долзарблигидан ҳамда жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Шу муносабат билан иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни янада кенгроқ ижтимоий таҳлил қилиш, қонун чиқарувчи томонидан ижобий ҳал этиладиган жиноят учун юридик жавобгарлик муаммоси билан боғлиқликада ёндашиш мақсадга мувофиқлиги тадқиқотнинг долзарблигидан далолат беради.

Жиноят ҳуқуқида жиноятда иштирокчилик тушунчasi ўта мұхим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган категориялардан биридир. Ушбу тушунча, кўп ҳолларда, фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини белгилашда мұхим ўрин тутади. Мазкур тушунчани тўғри англаш жиноят қонуни нормаларини изчил қўллашда, айбор шахсларгаadolatli жазо тайинлашда ҳамда жиноий жавобгарликнинг олдини олишда мұхим аҳамиятга эгадир.

Жиноятда иштирокчиликнинг иккита асосий белгисига тўхталиб ўтиш зарур, булар, объектив ҳамда субъектив белгилардир.

Иштирокчиликнинг объектив белгиларига қўйидагиларни киритиш мумкин: бир жиноятнинг ўзида икки ва ундан ортиқ шахслар иштироки; жиноятда улар иштирокининг биргалиқдалиги; ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари билан бажарувчи содир этган жиноят ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги. Итирокчиликнинг субъектив белгилари эса қўйидагилардан иборат: ҳар бир иштирокчининг ҳамма учун умумий натижасига эришишга интилиши; жиноятни биргалиқда амалга ошириш ҳақидаги ўзаро хабардорлик ва иштирокчилар ҳаракатларининг мувофиқлашганлиги.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда ўз номидан кўриниб турибдики, камида иккинчи шерикнинг бўлиши талаб этилади. Бу қонун чиқарувчи томонидан қўйилган мажбурий шарт эканлигини профессор М.Х.Рустамбаев ҳам кўрсатиб ўтади[2]. Иккинчи иштирокчи бўлмаганида иштирокчилик ҳам мавжуд бўлмайди.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда, қасд масаласи асосий масалалардан биридир. Икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган қилмишда жиноят белгилари бўлса-да, бу қасддан содир этилмаган бўлса, бундай жиноятни иштирокчиликда содир этилган жиноят деб топиш мумкин эмас.

С.В.Афиногеневнинг фикрича, “Қонуннинг иштирокчилик - қасддан биргалашиб содир этилган жиноят деб белгилаб бериши, иштирокчиликда содир этилган жиноятларни ҳам қасддан бўлиши тўғрисидаги ҳаволани кераксиз қилиб қўяди”[3]. Юқоридаги фикрдан хulosha қилиш мумкинки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас.

Лекин, сўнгги йилларда баъзи манбаларда иштирокчилик асосида эҳтиётсизликдан ҳам жиноят содир этилиши қайд қилинмоқда. Хусусан, Н.Мухторов “...жиноят хуқуқи фанидаги жиноий жавобгарлик таълимотида айбнинг эҳтиётсизлик шаклида икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан жиноят содир этилиши ҳолларига йўл қўйилади...”[4] деб ёзади. Афсуски, муаллифнинг ушбу фикрига қўшилиш қийин. Чунки мазкур фикр амалдаги жиноят қонуни нормаларига бутунлай зид. Бизнинг фикримизча, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар фақат қасддан содир этилади. Эҳтиётсизлик натижасида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас.

Жиноятда иштирокчиликнинг муҳим белгиларидан бири икки ва ундан ортиқ шахснинг иштироки тўғрисидаги масала бу сон кўрсаткичидир. Бунда икки ва ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб, ягона мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракатланиши зарурый белгидир. Бир неча шахснинг тасодифан бирлашиб қолиши ва жиноятни олдиндан келишмасдан содир этиши ёхуд бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда бир мақсад йўлида ҳаракат қилиши каби ҳолатлар иштирокчиликни истисно этади.

Илмий адабиётларда ва мамлакатимизнинг Жиноят кодексида икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишда иштирок этиши мураккаб иштирокчилик деб баҳоланади.

Қонун чиқарувчи Жиноят кодекси[1]нинг фақатгина 29-моддасидагина оддий ва мураккаб иштирокчилик тўғрисида сўз юритади. Жиноят кодексининг Махсус қисмининг бирор бир моддасида иштирокчиликнинг бу икки шакли жиноятнинг квалификациясига ўз таъсирини ўтказмайди. Қонун чиқарувчи бу ерда фақатгина “Бир груп шахслар” тўғрисида гапириб ўтишни маъқул деб топади. Шу сабабли, Жиноят қонунини тўғри қўллаш учун қуйидагиларни назарда тутиш керак. Агар Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноят таркибининг белгиси “бир груп шахслар” деб берилган бўлса, у ҳолда унга иштирокчиликнинг оддий ҳамда мураккаб шакллари киради, яъни мазкур жиноятнинг хавфлилик даражаси қонун чиқарувчи томонидан, энг аввало, жиноят икки ва ундан ортиқ шахс томонидан аввалдан тил бириктириш ёки бириктирмасликдан қатъий назар, содир этилиш фактига боғлиқ бўлади[5]”,-деган А.С.Якубов томонидан берилган фикрни маъқуллаймиз.

Жиноят кодекси махсус қисмининг баъзи моддалари бевосита мураккаб иштирокчиликни квалификациялашнинг муҳим элементи сифатида талаб этади: Масалан, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар (Жиноят кодексининг 164-169-моддалари)да, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар (ЖК 175-178, 186, 188-190-моддалари) ва бошқа бир қатор меъёрларида мураккаб иштирокчилик қонун чиқарувчи томонидан квалификациялаш учун мажбурий элемент сифатида кўрсатиб ўтилади.

Маълумки, оддий иштирокчилиқда жиной гуруҳ аъзолари ўртасида роллар тақсимланмаган бўлади, бунда, юқорида таъкидланганидек, иштирокчилик жиноят содир бўлиш пайтида юзага келганлиги учун, одатда, ҳамкор бажарувчилик тўғрисида сўз боради. Яъни иштирокчилик қатнашчиларининг барчаси бажарувчи сифатида иштирок этади. Бундан фарқли равишда, мураккаб иштирокчилиқда баъзи роллар функционал тарзда тақсимланган бўлади.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида бир гуруҳ шахсларни олдиндан тил бириктирган деб топиш юзасидан ягона бир фикрга келинмаган. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, олдиндан тил бириктириб содир этиладиган иштирок ҳам ҳамкор бажарувчилик асосида, ҳам роллар тақсимланган ҳолда бўлиши мумкин[6]. Бошқа бир гуруҳ муаллифларнинг фикрича, иштирокчиликнинг бу шакли фақатгина ҳамкор бажарувчилиқда содир этилиши мумкин[7].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида “бир турух шахсларнинг олдиндан тил бириктириб” жиноят содир этиши жиноятни квалификация қилувчи белги сифатида қаралар экан, бу иштирокчилик фақатгина ҳамкор бажарувчилардан ташкил топган бўлиши керак. Бундай шаклда жиноят содир этишнинг хавфлилик даражаси шу даражага етиб борадики, қонун чиқарувчи томонидан бу белгини квалификациялаш учун зарурый белги сифатида мустаҳкамлаб қўйилади. Бунинг сабаби эса, иштирокчилиқда содир этиладиган жиноятда иштирокчиларнинг ҳаракат вақти ва жойи ягона бўлади. Бундай жиноятни содир этишга бир киши қодир эмас, яъни жиноят иштирокчиликда содир этилиб, роллар тақсимланган бўлса, бу жиноятни бажарувчининг якка ўзи бажара олмайди, бошқа иштирокчилар ҳам жиноятни бажаришга жалб этилади. Бунда жиноятни содир этиш анча енгиллашади, яъни юқори самарага эришилади, жиноий оқибат тез юзага келади, етказилаётган зарап кўпроқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>
2. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для ВУЗов. - Ташкент: ТГЮИ, 2008. -С. 348-350
3. Афиногенев С.В. Соучастие в преступлении (понятие, виды и формы). Автореф... дис. канд. юрид. наук. М. 1991.с.16
4. Мухторов Н. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид.фан.илм.дар.олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, Б.74-75.
5. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик.- Тошкент 2005. - Б. 239.
6. Уголовное право. Учебник Т.1. - М., 2005.
7. Галимов И.Г. Сундуров М.Ф. Организованное преступность: тенденции, проблеми, решения.Казань,1998.С.33.